

ЮБИЛЕЙЛАР/ ЮБИЛЕИ / ANNIVERSARIES**ФАЗЛИДДИН ҲИКМАТОВ – 70 ЁШДА!**

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази, Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Гидрометеорология факультети жамоалари Сизни муборак 70 ёшингиз билан самимий қутлайди! Сизга илмий, илмий-педагогик ва маънавий-маърифий ишларингизда янгидан-янги ижодий ютуқлар, мустақкам соғлиқ, куч ғайрат ва оилавий хотиржамлик тилайди!

Ҳикматов Фазлиддин Ҳикматович 1969 йилда Номданак қишлоғидаги Ҳамза номли 47-сонли ўрта мактабни “Олтин медаль” билан тамомлаган. Шу йили Тошкент давлат университети – ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети – ЎЗМУ) География факультети талабаси бўлди.

Ушбу мўътабар илм даргоҳида тиришқоқ талаба Н.Долимов, В.Л.Шульц, О.П.Шеглова, Ҳ.Ҳ.Ҳасанов, Л.И.Шалатова, Л.Н.Бабушкин, Р.Машрапов, И.Р.Алимухамедов, А.Р.Расулов каби таниқли олимлардан сабоқ олиб, 1974 йилда “Имтиёзли” диплом билан тугаллади.

Шу йилдан бошлаб Ф.Ҳикматов ўзи таҳсил олган Куруқлик гидрологияси кафедраси лаборанти, техниги, муҳандиси, кичик илмий ходими, ўқитувчиси (1978-1985 йй.), доценти (1985-1999 йй.) ва 1999-2020 йилларда кафедра мудири лавозимларида фаолият кўрсатди, 2020 йил сентябрь ойидан бошлаб эса шу кафедра профессори лавозимида ишлаб келмоқда. У, юқорида қайд этилган лавозимлардаги педагогик фаолияти билан бир вақтда, 1985-1992 йилларда ТошДУ География факультетининг ўқув ишлари бўйича декан муовини, 1993-1996 йилларда шу факультет Ўқув Методик Кенгаши раиси, 1997-1999 йилларда эса илмий ишлар бўйича декан муовини вазифаларида, жамоатчилик асосида самарали фаолият кўрсатди.

Фазлиддин Ҳикматов таниқли гидролог олимлар профессор О.П.Шеглова ҳамда доцент А.Р.Расуловларнинг илмий раҳбарлигида «Генетический анализ и вопросы прогноза стока взвешенных наносов рек Средней Азии» мавзусидаги номзодлик диссертация ишини 1984 йилда химоя қилиб, география фанлари номзоди илмий даражасини олган. Шундан сўнг, у 15 йилдан ортиқроқ вақт давомида амалга оширган илмий-тадқиқот ишларини якунлаб, улар асосида тайёрланган «Водная эрозия и сток взвешенных наносов рек Средней Азии, усовершенствование методики их расчета прогноза» мавзусидаги докторлик диссертация ишини 2002 йилда химоя қилган ва география фанлари доктори илмий даражасига тасдиқланган.

Кўп йиллик захматли меҳнатлари натижасида Фазлиддин Ҳикматов 1990 йилда доцент ва 2009 йилда эса профессор илмий унвонларини олган.

Профессор Фазлиддин Ҳикматов ўзининг илмий-педагогик фаолияти давомида 250 дан ортиқ илмий ишлар, жумладан, 16 та монография, 6 та дарслик, 20 дан ортиқ ўқув қўлланмалар, 8 та атласлар муаллифидир. Унинг 100 дан ортиқ илмий мақолалари Ўзбекистон, шулардан 10 дан ортиғи МДҲ мамлакатлари ва узоқ чет эллардаги нуфузли даврий илмий журналларда чоп этилган. Устознинг Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси ва даврий матбуотда фан ва таълим масалаларига бағишланган 200 дан ортиқ мақолалари чоп этилган.

Фазлиддин Ҳикматовнинг шогирдлари билан яратган дарсликлари ва ўқув қўлланмаларидан мамлакатимиз ва қўшни давлатлар олий таълим муассасаларида ўқув

жараёнида кенг фойдаланилмоқда. Улар тайёрлаган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва “Истеъдод” жамғармасининг “Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи” Республика танловида 2005 йилда 2-ўринни, 2015 йилда 1-ўринни эгаллаган, 2008 йилда эса “Gidrologiya va gidrometriya” ўқув қўлланмаси учун муаллифлар рағбатлантирувчи мукофот ҳамда “Фахрий ёрлик” билан тақдирланган.

Устоз Ф.Ҳикматов сув ресурсларини баҳолаш, уларни муҳофаза қилиш ва прогнозлаш ҳамда иқлим ўзгариши масалаларига бағишланган қатор халқаро илмий анжуманлар, жумладан, конференциялар, съездлар, симпозиумларнинг фаол иштирокчисидир. Айни вақтда, республика ва халқаро илмий анжуманларнинг асосий ташкилотчиларидан ҳисобланади.

Таниқли гидролог олим, география фанлари доктори, профессор Фазлиддин Ҳикматовнинг илмий раҳбарлигида бугунги кунга қадар 40 дан ортиқ магистрлар, 3 та фан номзоди, 9 та фалсафа доктори (PhD) ва 7 та фан доктори (DSc) тайёрланган. Ҳозирги кунда унинг раҳбарлигида 2 та мустақил тадқиқотчи-изланувчилар докторлик (DSc), 2 та таянч докторант ва 3 та мустақил тадқиқотчи-изланувчилар (PhD) диссертациялари устида илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Устознинг шогирдлари нафақат республикамизда, балки МДХ ва чет мамлакатларда ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Таниқли гидролог олим Ф.Ҳикматов ўз вақтида устозлари – В.Л.Щульц, О.П.Шеглова, А.Р.Расуловлар асос солган ва жаҳон миқёсида тан олинган «Тоғли худудлар гидрологияси» илмий мактабининг энг фаол давомчиларидан бири ҳисобланади.

Ф.Ҳикматов томонидан амалга оширилган тадқиқотлар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилган. У 2001 йилда Халқаро Биосфера Фанлар Академияси (МАБИН)нинг мухбир аъзоси этиб сайланган, 2001 йилдан М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети қошида ташкил этилган «Эрозия, дарёлар дельтаси ва ўзан жараёнлари муаммолари»ни ўрганувчи олий ўқув юртлараро Халқаро Мувофиқлаштирувчи Кенгаш Президиуми аъзоси. Ушбу Халқаро Кенгашдаги фаол иштироки учун Ф.Ҳикматов Москва давлат университетининг “Фахрий ёрлиғи” билан тақдирланган.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида мамлакатимиз университет таълим тизимида янги “Гидрометеорология” ва “Гидрология” таълим йўналишлари, “Қуруклик гидрологияси, сув ресурслари”, “Кўллар ва сув омборлари гидрологияси”, “Гидрокимё”, “Гляциология ва қор қоплами мониторинги”, “Сел тошқинлари гидрологияси”, “Гидрометеорология (фаолият тури бўйича)”, “Гидрология (ўрганиш объектлари бўйича)” каби магистратура мутахассисликлари очилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПҚ-4358-сон Қарори асосида, Қуруклик гидрологияси кафедрасида «5A140703 – Иқлим ўзгариши ва иқлимий хатарларни баҳолаш» магистратура мутахассислиги фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу мутахассисликларнинг Давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари, фан дастурлари Ўзбекистон миллий университетида Ф.Ҳикматов раҳбарлигида ишлаб чиқилди.

Ф.Ҳикматов хориж олий ўқув юртлари билан ЎзМУ алоқаларини янада кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Натижада ЎзМУ талабалари Германиянинг Потсдам Иқлим Институти, Швейцариянинг Фрибург университети, Россия давлат гидрометеорология университети (Санкт-Петербург, Россия), Москва давлат университетида стажировкаларда бўлдилар, ўқув ҳамда ўқув-дала амалиётларини ўтиб келмоқдалар.

Тажрибали олим ЎзМУнинг Гидрометеорология илмий-назарий семинари раиси, Ўзбекистон Республикаси География Жамияти раиси (2021 йил апрелдан ҳамраиси), “Ўзбекистон География Жамияти Ахбороти” журналининг бош муҳаррири, “Гидрометеорология ва атроф-муҳит мониторинги” журнали бош муҳаррири ўринбосари, “ЎзМУ хабарлари” ҳамда “European Journal of Technical and Natural Sciences” илмий


журналларининг таҳрир ҳайъати аъзоси ҳисобланади. Бундан ташқари, Фан ва технологиялар маркази экспертлар кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлигининг Ирригация ва Дренаж Миллий қўмитаси, Москва давлат университети қошидаги «Эрозия, дарёлар дельталари ва ўзан жараёнлари муаммолари бўйича Халқаро Мувофиқлаштирувчи Кенгаш» Президиуми аъзоси сифатида жамоатчилик ишларини сидқидилдан бажариб келмоқда.

Фазлиддин Ҳикматов 2008 йилда республикамызда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, соҳага илғор педагогик технологияларни жорий этиш, талаба ёшларга замонавий билим асосларини ўргатиш, уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари учун “Меҳнат шуҳрати” ордени билан мукофотланган. Шунингдек, 2021 йилда эса Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Фармони билан Устозга “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони берилган.

Устоз, география фанлари доктори, профессор Фазлиддин Ҳикматов, юқорида баён этилганидек, меҳнатқашлиги, намунавий ахлоқий маданияти ва ҳаётнинг барча жабҳаларида камтаринлиги, айна пайтда фидойи, жонкуяр олим ва илмий-ижодкорлик қобилияти билан республикамыз зиёлилари орасида хурмат қозонган. У Ватанимиз таракқиёти йўлида бор имкон ва куч-ғайратини сафарбар эта оладиган фидойи инсондир.

Ҳурматли Устоз, Сизнинг садоқатли оила бошлиғи, меҳрибон ота, азиз ва суюкли набираларининг эл таниган олим бобоси, Сизнинг таъбирингиз билан айтганда, фарзандларингиз қаторидаги ўнлаб шогирлардингизнинг қадрли устози эканлигингиз ва бошқа қирраларингиз ҳақида ҳам кўп ва хўп ёзиш мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, бугунги кунга келиб, Устоз – Фазлиддин Ҳикматович гидрология ҳамда гидрометеорология илми ва таълими соҳасида ўрнатилган мактаб яратдилар. Гидрометеорология фани фидойиси хурматли Фазлиддин Ҳикматович Ҳикматовни қутлуғ ёшлари билан табриклаймиз! Энг аввало соғлиқ-омонлик, оилавий хотиржамликни тилаймиз, қолаверса, доимо фарзандлари-ю шогирдлари ардоғида бўлиб, уларнинг камолини яна узоқ йиллар кўриб юриш насиб этишини яратгандан сўраб қоламиз. Яратганнинг ўзи Сизни ва Сиз қаторингизда барчамизни шу кунларга етиб, эзгу тилакларимиз ва орзу-ниятларимизнинг тўла-тўқис ижобат бўлишини насиб айласин!

МИХАИЛУ ЛЬВОВИЧУ АРУШАНОВУ – 75 ЛЕТ!

Михаил Львович Арушанов родился в г. Ташкенте в 1947 году. Начиная со студенческой скамьи Физического факультета Ташкентского государственного университета (кафедра «Физика атмосферы») до настоящих дней занимается вопросами физики атмосферы, метеорологии, солнечно-атмосферных связей, разработкой динамико-стохастических и численных моделей прогноза погоды, применению спутниковой информации в методах анализа и прогноза погоды и агрометеорологической тематике.

М.Л.Арушанов на протяжении всего времени до настоящих дней совмещал науку со спортом, имеет звание «Кандидата в мастера спорта», но главное занятие – наука, не позволила добиться ещё больших результатов. В юношеские годы защищал честь Узбекистана на спартакиадах школьников, являясь членом сборной Узбекистана, играл в командах «СКА» и «Университет» с такими выдающимися баскетболистами, как Алжан Жармухамедов (олимпийский чемпион, 1972 г.), Евгений Коваленко (бронзовый призёр чемпионата Европы, 1983). При участии М.Л.Арушанова Узгидромет в 1973 году занял первое место по баскетболу на спартакиаде Профсоюзов Авиарботников Узбекистана. В настоящее время является действующим членом сборной ветеранов Узбекистана по баскетболу.

В 1968 году, будучи студентом 3-го курса, совмещал учёбу на очном факультете с работой в Численном отделе прогноза погоды Метеорологической службы Узбекистана, где впервые была установлена электронная вычислительная машина «Минск-2». С этого момента до настоящих дней Михаил Львович Арушанов остаётся приверженцем выбранной профессии, прошедший путь от оператора-программиста до доктора наук, профессора, проработав в Узгидромете более 55 лет.

Первый научный шаг был сделан в дипломной работе (научный руководитель к.ф-м.н. В.И.Мартемьянов) «Использование разложений по ЕОФ в целях объективного анализа метеорологических полей», оппонентом которой был доктор физико-математических наук, профессор Г.В.Груза – известнейший в мире метеоролог и климатолог.

После окончания университета в 1970 г. был принят на постоянную работу по заявке Узгидромета (в 1970 г. Метеорологическая служба была преобразована в Управление) в отдел Численных прогнозов, в котором проработал уже 3 года, совмещая учёбу в университете.

Второй, более серьёзный шаг в науке, был сделан после окончания аспирантуры в Гидрометцентре СССР (научный руководитель доктор физико-математических наук, профессор Ш.А.Мусаелян) – кандидатская диссертация «Статистическая структура полей облачности по данным МСЗ и их использования для восстановления барических полей над южной частью среднеазиатского региона». Во время учёбы в аспирантуре М.Л.Арушанову выпала большая удача некоторое время работать под руководством академика Гурия Ивановича Марчука – президента АН СССР (1986-1991 гг.).

Полностью сформировавшимся учёным М.Л.Арушанов стал после защиты докторской диссертации (2000 г.) «Исследование гелиогеофизических процессов на базе аппарата причинного анализа», написанной под влиянием работ величайшего астрофизика, профессора Н. А. Козырева, выдвинувшего теорию субстанциональности времени, выраженную в «Причинной или несимметричной механике в линейном приближении». Одним из рецензентов его докторской диссертации был академик М.М.Лаврентьев, высоко оценивший работу М.Л.Арушанова. Первым оппонентом

докторской диссертации М.Л.Арушанова был академик АН РУз Фарадей Басырович Абуталиев, с которым он долгое время плодотворно сотрудничал.

Являясь последовательным продолжателем идей Н.А.Козырева, совместно с доктором физико-математических наук, профессором С.М.Коротаевым, М.Л.Арушановым был разработан аппарат причинного анализа, который стал общепризнанным в научном мире и приобрёл значимость в научных исследованиях наравне с корреляционным и спектральным анализами. В монографии М.Л.Арушанова «Эффекты причинной механики в метеорологии», выдержавшей два издания (одно в Гамбурге), впервые было показано, что учёт дополнительной силы, выявленной Н.А.Козыревым в гироскопической системе (каковой является планета Земля), в численной модели прогноза погоды значимо повышает ее оправдываемость. Это положение отражено в Википедии (страница интернета – [https://ru.wikipedia.org/wiki/Козырев, Николай_Александрович](https://ru.wikipedia.org/wiki/Козырев,_Николай_Александрович)).

М.Л.Арушановым впервые на основе производства энтропии открытой термодинамической системы формализовано понятие «климат», придав ему строгое количественное определение (в отличие от существующего статистического).

Возглавляя отдел Информационных технологий (1987-2005 гг.) Метеоинфосистем Узгидромета под руководством М.Л.Арушанова разработаны Автоматические рабочие места (АРМ) «Синоптик», «Агрометеоролог», «Спутник», которые до настоящего времени используются в оперативной работе Узгидромета. После посещения Узгидромета Чарльзом – принцем Уэльским в 1996 году М. Л. Арушанов был приглашен в Институт Природных ресурсов (Великобритания, Рединг), где была продемонстрирована технология оценки растительной массы по данным ИСЗ, разработанная под его руководством в отделе Информационных технологий Метеоинфосистем.

М.Л.Арушановым написано более 170 научных трудов, из них 7 монографий. Начиная с 2007 г. по настоящее время М.Л.Арушанов возглавляет Лабораторию экологического мониторинга Научно-исследовательского гидрометеорологического института (НИГМИ) и является ведущим направления «Нелокальные корреляции крупномасштабных процессов» Российского международного междисциплинарного семинара по темпорологии имени А.П.Левича Института исследований природы времени при Московском государственном университете. Им подготовлено 2 доктора наук (DSc) и 5 кандидатов наук (PhD).

Коллектив Научно-исследовательского гидрометеорологического института искренне поздравляет Арушанова Михаила Львовича с юбилеем и желает ему крепкого здоровья, успехов в научной деятельности, мира и счастья в семейной жизни!